


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)**  
**бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти.
- Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ ДУК

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи .....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2.	<i>5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи .....	4
2.	<i>5150900 – Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2.	<i>5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....	6
3.	<i>5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2.	<i>5150900-Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)</i> бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	16

## 1. 5150900 - *Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)* бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5150900 - *Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

#### 1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5150900 - *Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

#### 1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5150900 – *Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5150900 - *Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

Бакалаврият таълим йўналиши – архитектуравий ва бадиий лойиҳалаш усуллари ишлаб чиқиш, лойиҳалаш жараёнида синтез ва оптимизация қилиш, ишлаб чиқариш билан боғлаш, инсон томонидан дизайн маҳсулотини эстетик ва психологик жараёнини ўрганиш ва қурилиш конструкцияларини асосий типларини ўрганиш ва қайта ишлаш, жамоат ва турар жой биноларинининг интерьерини лойиҳалаш, тадқиқот жараёнида иштирок этиш, вазифасига кўра бино ва иншоотларнинг архитектуравий-фазовий муҳитни, ландшафт дизайн объектини лойиҳалаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолият, шунингдек илмий-тадқиқот фаолияти, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида санъат соҳаси таълим йўналишларига мос касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– бинолар ва бошқа турли мақсадларга мўлжалланган иншоотлар, интерьерлар ва уларни жиҳозлари, бино ва иншоотлар худудининг ва ташқи кўринишининг дизайн ечимлари, бинолар фасадини ва интерьерини стилистик боғлаш, кемпинглар, йўл ёқа худудларини ободонлаштириш, очик эстрада-театр майдонларни қайта ишлашдаги ечими, санъат соҳалари ва турли хил туристик объектларни фаолиятида қўлланиладиган компьютер дастурий таъминоти тизимлари, махсус функционал-бадиий мажмуалар; шаҳар ва интерьер муҳити ёритилиши (информацион, коммуникацион, маиший комфорт), турли вазифаси ва типига кўра экспозицион объектлар, шунингдек рақамли, график, ҳажмли ва ушбу объектларнинг бошқа моделлари, керакли услубларини топиш ва муҳитни ривожлантириш воситалари.

*Йўналиш бўйича фан, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. 5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув;
- педагогик (ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).

*Йўналиш бўйича фан, технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:**

- **5A150901 – Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укуви ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

### **2.2. 5150900 – Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- архитектуравий ва бадий лойиҳалаш усулларини билиш;
- архитектуравий ва бадий лойиҳалашда замонавий техник манбаларни қўллашни билиш (компьютер дастурлар, компьютер графикаси);
- архитектуравий фазони шаклланда замонавий талабларни ўрганиш;
- жамоат ва турар жой биноларининг интерьерини лойиҳалаш;
- интерьер жихозларини лойиҳалаш;
- интерьер объектларини лойиҳалаш, яратиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
- интерьерни лойиҳалашда замонавий декоратив материаллардан фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларини бажаришда иштирок этиш;
- республика ва хорижда чоп этилган санъат соҳасига оид илмий-техник ахборотларни ва илмий манбаларини ўрганиш;

– санъат соҳасига тегишли илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– санъат таълим соҳасига тегишли илмий мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни соҳа амалиётига тадбиқ этишда қатнашиш;

– интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ва бошқариш жараёнларини режалаштириш, кутилаётган хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш;

– ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш;

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганади;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашади;

– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилади;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини тадбиқ этиш;

– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

#### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

– санъат соҳасига тегишли намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга қўллаш;

– интерьерлар муҳитини қайта таъмирлашда технологик жараёнларни қўллаш ва қайта ишлаш;

– лойихавий ва дастуравий хужжатларни ишлаб чиқариш;

– илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– ландшафт дизайнининг турли фазовийлигида ишлаш;

– дизайн элементларини қайта ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;

– бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишларининг технологик жараёнларини мониторинг қилиш ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида):**

- ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **3. 5150900-Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

*5150900-Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:*

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар;
- малакавий амалиёт;
- битирув малакавий иши химояси билан.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулоти ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасавурларни шакллантириш лозим;

#### **Умумқасбий фанлар блоки бўйича:**

ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

интерьерни лойihalашда ва амалга оширишда анъанавий меъморий услублардан ва декоратив элементлардан фойдаланишни билиши;

таълим олувчиларнинг умумқасбий маданияти ва интеллектини ривожлантириши;

таълим соҳаси долзарб вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;

таълим соҳаси бўйича касбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборот-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

касбий фаолиятнинг илмий соҳасидаги ўзгаришларни англаш, таҳлил этиш, умумлаштириш, аниқ хулосалар қабул қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

замонавий таълим ва инновацион тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, касбий ўз-ўзини ривожлантириш йўналишларини белгилаб бериши;

бирламчи манбалар асосида касбий билимларни ривожлантириш, касбий шаклланиш ва ижтимоийлаштириш имкониятини тақдим этиши;

тасвирнинг усуллари ва технологиялари, кўчалар перспективаси, сув юзаси ва ер рельефи, тоналлик перспективасида тасвир тизими, ранглар доираси қонунияти соҳаси, яқин, ўхшаш ранглар, қарама-қарши колористик уйғунликда ташкил топган рангларнинг усуллари, рангтасвир тасвирий санъатнинг бир кўриниши сифатида, рангтасвир эскизи ёрдамида ранглар акцентини жой-жойига қўйишни, декоратив хайкалтарошлик асарини моделлаштириш, декоратив хайкалтарошлик асарини катталаштириш усуллари кўллашни, хайкалтарошликда лой, гипс, пластилин, тош билан ишлаш учун махсус асбоблардан фойдаланишни;

инсон фаолиятида антропометрик, биомеханик, психофизиологик, инсон ва техниканинг психик нуқтаи назардаги боғланишининг мақсадга мувофиқ равишда лойihalаш; иш ўрнини беҳавотирлиги, ўлчамлари, бошқариш пульталарини, қўл иш курулларининг қулайлиги ўлчамларини белгилаш; иш жойи структурасини ташкил этиш ва уни инфор­мацион кўргазма системалари билан таъминлаш;

лойihalашда комплекс усуллар, бадиий концепциянинг роли, архитектуравий графика ва топшириқлар соҳасида билимларга эга бўлиши;

декоратив боғдорчилик, дендрология, ўсимликларни ҳимоялаш бўйича ландшафт дизайнига тегишли бўлган билимлардан фойдаланишни;

интерьерларни лойihalашда архитектуравий графиканинг роли;

лойihalашнинг турли босқичларида чизикларни график бажаралиши, архитектуравий шрифтлар, чизикли графика, тусли чизиклар, оқ-қора ва ярим хроматик графика, лойihalаш амалиётида дунё маданиятида эришилган ютуқлардан фойдаланишни, лойihalашнинг барча босқичларида лойihalавий ҳужжатларни амалга оширишни;

услубларни пайдо бўлиш тарихи, санъатнинг жанри ва турлари, санъат ва маданиятнинг турли жанр ва турларида услубий йўналишларининг синхрон ўзгариши, халқаро мерос ва регионал маданият соҳасида кенг тушунчага эга бўлиш;

бадий витраж, эксклюзив пардалар ва интерьер учун мебель, ёритгичлар, ширмалар, батик техникасида безатиш соҳасидаги технологияларни қўллашни;

техникавий тизимлар хавфсизлиги ва экологияси, фавкулдда ҳолатлар шароитидаги хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси ва ёнгин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосларини;

объектларни лойиҳалашда энергия тежамкор ечимларни излаб топиши, объектлар қурилишида ҳамда мавжуд биноларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилишда замонавий энергия тежамкор технологияларини қўллаш, қурилиш жараёнида технологик жараёнлар узвийлиги ва узликсизлигини таъминлаши;

техник аспектлар соҳасида ва моделлашнинг турли типларида назарий билимлар, архитектуравий-дизайнерлик ва декоратив лойиҳалаш ишларида визуализация воситалари, архитектуравий лойиҳалаш асосларида Autodesk Revit Architecture билимига эга бўлиш, қурилиш конструкциялари тизимини, турар жойларда ва жамоат биноларида замонавий муҳандислик жиҳозларини қўллашни;

интерьер дизайннинг ҳажмий-фазовий композицияси тасвирига профессионал ёндошишни;

турар жой ва жамоат биноларида қишқи боғлар ва яшил рекреацион зоналарни лойиҳалашни билиши;

композицион моделлаш воситалари билан ишлаш, текис ва ҳажмий-фазовийликни яратишда график ечимлар, интерьер дизайнида график моделларни яратиш, предметни ўрганиш жараёнида ўрганилган услубларни қўллаш ва график материалларда қўлланиладиган воситалар, турли даврдаги интерьер услубларини компьютер лойиҳалашда шакллантириш хусусиятларига қараб яратишни, ранглар муҳитини ва интерьерда ёруғликни лойиҳалаш, лойиҳани архитектуравий-график безатиш, амалий бажарилган интерьер дизайн лойиҳасини тушунтириш хати билан тўлдиришни таъминлаши лозим.

#### **Ихтисослик фанлари блоки бўйича:**

бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка ҳос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ҳаракатларнинг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш;

муҳим касбий сифатларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига қўмаклашишни таъминлаши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олинади.

#### **Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

талабаларнинг бакалаврият таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатида қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг мослашувчанлигини таъминлаши лозим.

#### **Малакавий амалиёт бўйича:**

#### **Танишув амалиёти:**

**Танишув иш амалиётининг мақсади** – интерьер лойиҳалаш ва архитектуравий графика, ландшафтни лойиҳалаш, макетлаш асослари билан яқиндан танишиш, ихтисослик фанлардан олган назарий билимларини, амалиётда мустаҳкамлаш бўйича маълумотларни умумлаштиришдан иборат.

**Танишув амалиётини вазифаси** – Архитектура ва дизайнда ҳар доим, ҳар вақтда жамиятни ривожланиш тарихи билан узвий боғланган бўлиб, бу дизайнер-мутахассис асарларида ўз аксини топди. Дизайн йўналиши кенг маъно бериб, унга тархларни, интерьер, экстерьер тузилиши, ҳажмий композиция, конструкция, шакл амалиёт, ички фазовий муҳитни ташкил этиш усуллари безаш пардозлаш киради. Функционал ҳамда янги қурилиш ашёлардан фойдаланган ҳолда архитектуравий лойиҳалаш ва қурилишнинг услублари ривожлана боради. Бу ўз навбатида дизайнер мутахассислар тайёрлашга янгича технологияни ва ёндошишни талаб этади.

Амалиётда талабалар архитектура муҳити объектлари турлари билан танишадилар. Уларнинг структурасини, лойиҳалаштириш босқичларини, бино ва иншоотларнинг бадиий ва композицион тузилмаларини, уларнинг конструктив ечимларини, функция ва шакл омилларини ўрганадилар ва тасвирлайдилар.

**Ўлчов амалиёти** - бакалавриатуранинг дизайн йўналиш талабаларини тайёрлашда зарур босқичларидан бири ҳисобланади.

Амалиётнинг мақсади келажакдаги ландшафт дизайнерларга дихайн соҳасида профессионал билим ва малака бериш, профессионал ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, уларни мустақил профессионал фаолиятга тайёрлаш. Раҳбар таълим жараёнида лойиҳани иш моҳиятини ва перспектива асосларини, уларни амалий ва тадқиқот синтез фаолиятини тушунтириб беради.

**Ўлчов амалиётининг мақсадлари.**

**Ўлчов амалиёти** бўйича вазифаларни бажаришда қуйидаги мақсадларга эришиш керак.

- Талаба лойиҳада масштаб ва интерьерни реал ўлчамларини тушуниши лозим.
- Амалиётда масштаб тушунчасини ўрганиш.
- Экстерьер, архитектура муҳитлари дизайни график тасвирлари техникасини ўрганиш.
- Юза фактураси ва берилган объектни тайёрланган метериалини кўрсатиб беришда график тасвирнинг имкониятлари ва усулларини ўрганиш.

**Ўлчов амалиётининг вазифалари:**

- Архитектуравий графика техникасини ўзлаштириш
- Ландшафт майдонида дизайн объектнинг ўзига хос услуби ва ранг пластикасини ҳис этиш ва уни етказиб бериш.
- Қурилиш рулеткаси, модулли компонентлар (ғишт ҳажми, кафель, қадам узунлиги, плитка ва бошқалар) ёрдамида турли метод ва ўлчов усулларини ўзлаштириш.

Ўлчов амалиётини ўтовчи дизайн йўналишидаги бакалавр талабаси кичик меъмерий шакллар ва шаҳар муҳитининг турли ландшафт объектларини қуришда фундаментал билимларни қўллаш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Ишлаб чиқариш амалиёти:** ишлаб чиқариш ташкилотларининг технологик жараёнлари усулларини ўрганиш, ташкилий масалаларни ва ташкилотни таклиф этган тизимини, ишлаб чиқаришдаги пардозлаш материаллари билан ускуналар билан танишиш жараёнлари, қурилиш соҳасида маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва уларнинг сифати бўйича назорат, яъни курс иши ва малакавий ишни бажариш учун касб бўйича инструкцияларни ва техник ходимларнинг иш маълумотлари ўрганиш, бажарилаётган лойиҳани реал ҳолатий тархлар асосида шакллантириш, ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ишчи ҳужжатларни тайёрлаш, дастлабки техник иқтисодий ҳисоблаш босқичлари ва асосларини бажаришни билишдир. Амалиётда талабалар лойиҳа ташкилотлари структурасини, лойиҳалаштириш босқичларини, бино ва иншоотларнинг

бадий ва композицион тузилмаларини, уларнинг конструктив ечимларини, функция ва шакл омилларини ўрганадилар.

Ишлаб чиқариш амалиётни ўташ даврида талабалар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- гуруҳ раҳбари томонидан юқори малакали назоратнинг амалга оширилиши остида қисқа белгиланган муддатларда етакчи раҳбарлар етакчилиги остида лойиҳалаштириш ишларини юқори сифатда бажариш амалиётига эга бўлиш;
- берилган мавзу бўйича миллий ҳамда хорижий мутахассислар тажрибалари намунасида дастлабки ижодий материалларни танлаб олишни амалга ошириш.
- турар жой, жамоат ва саноат биноларини архитектуравий ечимлари, функция ва шакл, конструктив тизим тўғрисидаги билимга эга бўлиши ва уларни бошланғич лойиҳада қўллаш олиши лозим;
- турар жой, жамоат, саноат биноларини лойиҳалаштириш борасида меъёрий маъмурий хужжатларни тузиш, архитектуравий лойиҳалашда талаб ва таклифлар назариясидан фойдаланиш;
- конкрет ҳудудларда архитектуравий объектларни композицион қуриш ва шаклларни ҳосил қилиш соҳасида етакчи миллий ва хорижий бюролар-устахоналарнинг тажрибаси билан танишиш, шунингдек интернет материалларидан фойдаланиш;
- талаба лойиҳа қилаётган объектларда, функционал боғлиқликни,
- конструктив таҳлил қилиш, уларни лойиҳа ишларида самарали ишлатиш, лойиҳа объектларини техник – иқтисодий кўрсаткичларига амал этиш малакаларига эга бўлиши лозим.
- қоидага кўра, объектнинг ишчи чизмаларини, шунингдек, бош режа, қирқимларнинг, қаватлар режаларининг, фрагментлар ва деталларнинг, интерьерлар, ўзига хосликлар ва экспликацияларнинг чизмаларини чизиш бўйича амалий архитектуравий лойиҳалашдаги, техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқаришдаги кўникмаларни эгаллаш;
- комплекс лойиҳалашнинг барча қисмлари бўйича турдош муҳандислик мутахассисликлари ҳамкорлигидаги ижодий жамоада ишлаш тажрибасини орттириш;

Шунингдек амалиёт талабалар амалиёт даврида талабалар амалий ва ташкилий кўникмаларни эгаллайдилар, ижодий жамоада ишлаш давомида ўзларининг бўлажак мутахассисликларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганадилар, лойиҳалаштириш ишлари ва уларни илмий амалий ташкил этиш соҳасида зарур билимларни оладилар, архитектура дизайн муҳитлари, ландшафт дизайни, макетлашнинг илғор усулларининг энг янги илмий-техник ва ишлаб чиқариш ютуқлари билан танишадилар, шунингдек, берилган топшириқ-мавзу бўйича зарурий ижодий материалларни танлаб оладилар.

#### *Тайёрлов босқичи*

- Кафедра ва қабул қилувчи ташкилотдан тайинланган амалиёт раҳбари биргаликда йиғилиш ўтказди. Йиғилишда режа жалвал ва дастур билан тўлиқ таништириш. Унинг мақсад вазифалари ва мазмунига қўйиладиган талаблар кўрсатмалар олади. Амалиётчи талабаларни иш режаларини тасдиқлаш. Меҳнат ва фуқаро муҳофазаси йўриқномасини таништириш. Техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш. Ташкилот тузилиши, фаолият йўналишлари ўзига хосликлари, ички тартиб қоидалари ва фаолияти бўйича маълумотга эга бўлиш.

#### *Асосий босқич:*

Тадқиқотчилик-танишув босқичи

1. Лойиҳа ташкилоти умумий структураси, тузилиши ва функция хизматлари танишиши;
2. Институт структурасидан келиб чиқиб барча бўлимлар тўғрисида маълумотга эга бўлиши;
3. Барча зарур меъёрий ҳуқуқий қоидаларни ўрганиши;

4. Институт кутубхонасидан фойдаланиши;
5. Топширик- мавзуларини шакллантиришда иштирок этиши;
6. Бўлимлар орқали юклатилган вазифаларни юқори савияда бажариши;

*Яқуний босқич:*

- Талабалар томонидан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ жараёнида қилинган ишларнинг натижалари таҳлил қилинади ва баҳоланади. Ишлаб чиқариш амалиёти бўйича амалга оширилган чизмалар, ўрганиш-изланиш натижалари бўйича фоторасмлар ва иловалар (архитектура обидалари намуналарига қараб чизилган хомаки расмлар ва аквареллар)дан иборат амалиёт бўйича ҳисоботни тайёрлаш;
- Топширик иши мавзуси бўйича бўлмалари бўйича керакли маслаҳатлар олиши, келишиш ва ишлаш учун яқуний хулосалар қилиш;
- Ишлаб чиқариш амалиётини ўталган ташкилоти муҳри ва амалиёт раҳбари имзоси билан тасдиқланган тавсифномани кундаликда расмийлаштириш.

**Битирув олди амалиёти:**

Ушбу амалиёт дастури Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ -2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодий соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ -3151 сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 207 йил 19 майдаги “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни такомиллаштириш чора тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” ги 302 сон қарорига мувофиқ Тошкент архитектура қурилиш институти 5150900 – “Дизайн (ландшафт, интерьер)” таълим йўналиши талабаларининг малака амалиёти (битирув олди амалиёти) ўташ тартибини белгилайди. Малака амалиёти- ўқув жараёнининг назарий билимларини мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, ўқув режаларидаги фанлар дастурларининг маълум (яқуний қисмидаги мавзулар бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми.

Амалиёт даврида талабалар амалий ва ижодий кўникмаларни эгаллайдилар, ижодий жамоада ишлаш давомида таълим олаётган йўналишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганадилар, зарур билимларни эгаллайдилар. Архитектура ва қурилиш соҳасидаги илғор усулларнинг янги илмий-техник ва ишлаб чиқариш ютуқлари билан танишадилар. Шунингдек, лойиҳа амалиётида диплом мавзусини танлайди ва унга зарурий ижодий материалларни танлаб оладилар.

**Битирув олди амалиётининг мақсади** – замонавий архитектуравий лойиҳалаштириш билан яқиндан танишиш, махсус (мутахассислик) фанлардан турли хил мавзуларда бажарилган амалий лойиҳа ишларида олинган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда танланган долзарб диплом лойиҳа иши (БМИ) мавзуси бўйича маълумотларни умумлаштиришдан иборат.

**Битирув олди амалиётини вазифаси** – диплом лойиҳа иши мавзуси бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, лойиҳа смета ҳужжатларида турар-жой, фуқаро ва саноат биноларини янги қурилиш иншоотларида қўллаш, бажарилаётган лойиҳани реал ҳолатий тархлар асосида шакллантириш, ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ишчи ҳужжатларни тайёрлаш, дастлабки техник иқтисодий ҳисоблаш босқичлари ва асосларини бажаришни билишдир. Амалиётда талабалар лойиҳа ташкилотлари структурасини, лойиҳалаштириш босқичларини, бино ва иншоотларнинг бадиий ва композицион тузилмаларини, уларнинг конструктив ечимларини, функция ва шакл омилларини ўрганадилар.

### **Битирув олди амалиётини ўтказишнинг мазмуни**

Архитектура ҳар доим, ҳар вақтда жамиятни ривожланиш тарихи билан узвий боғланган бўлиб, бу архитекторлар асарларида ўз аксини топди. Архитектуравий йўналиш кенг маъно бериб, унга тархларни тузилиши, ҳажмий композиция, конструкция, шакл амалиёт, ички фазовий муҳитни ташкил этиш усуллари безаш пардозлаш киради. Функционал ҳамда янги қурилиш ашёлардан фойдаланган ҳолда архитектуравий лойиҳалаш ва қурилишнинг услублари ривожлана боради. Бу ўз навбатида ёш архитектор мутахассислар тайёрлашга янгича технологияни ва ёндошишни талаб этади. Архитектура қурилиш соҳасида, бино ва иншоотлар лойиҳаларини яратиш, объектларни барпо этиш, транспорт тизимларини лойиҳалаштириш, шаҳар қурилиши ва хўжалик корхоналарини, биноларни қайта таъмирлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ мажмуий масалаларни ечиш, ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашдаги инсон фаолияти, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Битирув олди амалиёти Бош лойиҳа институтларида, маданий мерос объектларини сақлаш бош бошқармасида ёки лойиҳа ижодий архитектуравий корхонада техник-архитектор иш жойида олдиндан тузилган шартномага мувофиқ ўтилади, бу эса ҳар бир талабага жамоавий лойиҳалаштириш ишлари руҳини сезишга имкон беради, ишчи чизмаларни (рабочий проект) ишлаб чиқишда амалий тажрибани эгаллашга, қатъий вақт чегарасида ишлашга кўникма ҳосил қилишга, ўз касбий маҳоратини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Битирув олди амалиётни ўташ даврида талабалар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- гуруҳ раҳбари томонидан юқори малакали назоратнинг амалга оширилиши остида қисқа белгиланган муддатларда етакчи раҳбарлар етакчилиги остида лойиҳалаштириш ишларини юқори сифатда бажариш амалиётига эга бўлиш;

- диплом олди лойиҳаси мавзуси бўйича миллий ҳамда хорижий шаҳарсозлик тажрибалари намунасида дастлабки ижодий материалларни танлаб олишни амалга ошириш.

- архитектуравий лойиҳалаш босқичлари, бино ва иншоотларнинг функционал ва типологик тузилиши турар жой, жамоат ва саноат биноларини архитектуравий ечимлари, функция ва шакл, конструктив тизим тўғрисидаги билимга эга бўлиши ва уларни бошланғич лойиҳада қўллаш олиши лозим;

- турар жой, жамоат, саноат биноларини лойиҳалаштириш борасида меъёрий маъмурий ҳужжатларни тузиш, архитектуравий лойиҳалашда талаб ва таклифлар назариясидан фойдаланиш;

- талаба архитектуравий лойиҳалаш талабларини ифодалаш, тақдимот қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

- архитектуравий-дизайнерлик лойиҳалаштириш, конкрет ҳудудларда архитектуравий объектларни композицион қуриш ва шаклларни ҳосил қилиш соҳасида етакчи миллий ва хорижий бюролар-устахоналарнинг тажрибаси билан танишиш, шунингдек интернет материалларидан фойдаланиш;

- талаба лойиҳа қилаётган объектларда, функционал боғлиқликни, конструктив таҳлил қилиш, уларни лойиҳа ишларида самарали ишлатиш, лойиҳа объектларини техник – иқтисодий кўрсаткичларига амал этиш малакаларига эга бўлиши лозим.

- қоидага кўра, объектнинг ишчи чизмаларини, шунингдек, бош режа, қирқимларнинг, қаватлар режаларининг, фрагментлар ва деталларнинг, интерьерлар, ўзига хосликлар ва экспликацияларнинг чизмаларини чизиш бўйича амалий архитектуравий лойиҳалашдаги, техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқаришдаги кўникмаларни эгаллаш;

- комплекс лойиҳалашнинг барча қисмлари бўйича турдош муҳандислик мутахассисликлари ҳамкорлигидаги ижодий жамоада ишлаш тажрибасини орттириш;

Шунингдек талабалар амалиёт даврида, талабалар амалий ва ташкилий кўникмаларни эгаллайдилар, ижодий жамоада ишлаш давомида ўзларининг бўлажак мутахассисликларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганадилар, лойиҳалаштириш ишлари ва уларни илмий амалий ташкил этиш соҳасида зарур билимларни оладилар, архитектура ва қурилишнинг илғор усуллари соҳасида энг янги илмий-техник ва ишлаб чиқариш ютуқлари билан танишадилар, шунингдек, танлаб олинган диплом олди лойиҳаси мавзуси бўйича зарурий ижодий материалларни танлаб оладилар.

#### **Битирув малакавий иши ҳимояси билан:**

Ушбу Низом Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПК-847-сонли қарорига ва Тошкент Архитектура қурилиш институтининг 2010 йил декабрдаги – сонли буйруғига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ушбу низом битирув малакавий ишининг шаклларида бири бўлган диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

#### **Битирув малакавий иши мақсади ва вазифалари**

Диплом лойиҳаси олий таълим муассаси бакалариятининг якуний босқичи ҳисобланиб, уни бажаришдан мақсад таълим йўналиши бўйича олинган назарий ва амалий билимларни бир тизимга келтириш, мустахкамлаш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этишдан иборат.

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- диплом лойиҳа ишига танланган мавзу бўйича лойиҳалаш ишларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, маълумотлар, техник ҳисоботлар ва ўқув-услугий адабиётларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳада назарий ва амалий кўникмаларни кўллаб, муайян масалаларни ечиш;
- ижодий мустақил ишлаб, маълумотлар устида ишлаш;
- лойиҳанинг чизма-график, архитектуравий-бадий ишларини замонавий технологиялар ёрдамида бажариш;
- диплом лойиҳасида ишлаб чиқилган муаммо ва масалаларни ҳал этишда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш;
- тушунтириш хатини содда, тушунарли тилда ижодий-бадий фикрлар киритиш орқали баён этиш;

Диплом лойиҳасида қуйидаги масалалар ечими кўрсатилиши лозим:

- танланган мавзунинг долзарблигини асослаш;
- лойиҳа объекти ва предметини аниқлаш;
- лойиҳа усули ва услубиятини аниқлаш;
- лойиҳа жараёнини атрофлича ёритиш;
- лойиҳа натижаларини таҳлил қилиш;

Диплом лойиҳаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- танланган лойиҳа мавзуси қиёсий таҳлил асосида долзарблигини асослаб бериш;
- ишланадиган лойиҳа муаммоси бўйича қиёсий шарҳ ва муаммонинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;
- лойиҳага тегишли муаммони ечиш натижасида тегишли хулосалар ва таклифларни изоҳлаш, ундан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш керак.

Диплом лойиҳасининг тушунтириш хатида лойиҳанинг мазмунини қисқа ва аниқ шаклда ифодаланиб, қуйидаги пунктларни ўз ичига олади:

- Мундарижа.
- Кириш.
- Архитектура қисми
- Бадий-дизайн қисми
- Муҳандислик тармоқлари қисми
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. 5150900-Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Назарий ва амалий таълим -	63 %;
аттестация -	8%;
таътил -	15%;
малакавий амалиёт -	11%;
битирув малакавий иши -	3%.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар соҳа” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки	27 %;
умумқасбий фанлар блоки	41.4 %;
ихтисослик фанлар блоки	27%;
қўшимча фанлар блоки	4,6 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), илмий-тадқиқот; ишлаб чиқариш-технологик; ташкилий-бошқарув; педагогик, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, бино, иншоот, лойиҳа, тасвирий санъат, тасвирий воситалар, рангтасвир техникаси, тусли муносабат, фактура, ахроматик, хроматик ранглар, ранглар функцияси, пластик шакл, композицион элемент, архитектуравий фазовийлик, интерьер, экстерьер, тектоника, кубизм, абстракционизм, яссилик ва ҳажм, интерьер ёриткичлари, макетлаш, эскиз, инсоляция, кишки боғ, дизайн, ижод ва конструкция, график композиция, бадиий лойиҳа, дизайн назарияси, интерьер, архитектуравий дизайн, архитектуравий социология, архитектуравий доминант, мутаносиблик, архитектуравий графика, архитектуравий композиция, манбалардан фойдаланиш, шакл-функция, компьютерда лойиҳалаш.

Илова

**5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)**  
бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.	Фанлар блоклари ва блокларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий илмий фанлар</b>	<b>1870</b>
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқоралик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Қурилишда ахборот технологиялари	129
1.09	Компьютерда лойиҳалаш	400
1.10	Информацион моделлаш ва прототиплаш	320
1.11	<i>Танлов фанлари</i>	39
<b>2.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>2854</b>
2.01	Чизма геометрия ва перспектива	270
2.02	Архитектуравий графика	540
2.03	Санъат ва маданият тарихи	400
2.04	Декоратив хайкалтарошлик	300
2.05	Архитектура ашёшунослиги	94
2.06	Инженерлик геодезияси ва геологияси	94
2.07	Қурилиш конструкциялари	128
2.08	Тақдимотлар дизайни	100
2.09	Макетлаш ва моделлаш	400
2.10	Қасбий психология	50
2.11	Эргономика ва мебель дизайни	300
2.12	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси	50
2.13	<i>Танлов фанлари</i>	128
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>1870</b>
3.01	Дизайн асослари	250
3.02	Декоратив боғдорчилик	200
3.03	Лойиҳалаш асослари	120
3.04	Дизайн стильлари ва орнаментика	200
3.05	Бадий лойиҳалаш	600
3.06	Ландшафт дизайни	200
3.07	Интерьер дизайни	300
<b>4.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>318</b>
	<b>ЖАМИ</b>	<b>6912</b>
	Малакавий амалиёт	1188
	Битирув малакавий иши химояси билан	324
	Аттестациялар	864
	<b>ЖАМИ</b>	<b>2376</b>
	<b>ҲАММАСИ</b>	<b>9288</b>

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент архитектура-қурилиш институти



Ректор [Signature] Ҳакимов Р.Р.

2018 йил « 03 » август.

Ўзшарҳсўзлик ЛИТИ ДУК

Бош Директор [Signature] Ғ.Ғ. Маджидов

2018 йил « 03 » август

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
ривожлантириш маркази.



Директор [Signature] проф. Б.Ҳ.Раҳимов

2018 йил « 8 » 02.

**КЕЛИШИЛГАН:**






Қишлоққурилишлойиҳа МИЖ

Бош Директор [Signature] И.С.Ахмедов

2018 йил « 08 » август

М.Ў.

**5150900 - Дизайн (архитектура муҳитлари дизайни)**  
**бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб**  
**чиқарувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
<b>Раис</b>			
1	А.У. Мирисаев	ТАҚИ ўқув- ишлари проректори, т.ф.н., доцент.	
<b>Аъзолари:</b>			
2	С.Х. Махкамов	ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент	
3	Ш.С. Рейимбаев	Архитектура факультети декани, арх.н.	
4	А.О. Хасанов	Архитектуравий лойihalаш кафедраси мулдир, арх.ф.н.	
5	Б.Г. Матчанов	“Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси мулдир	
6	З.Э. Матниязов	“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси мулдир, доцент.	
7	З.Х.Адиллов	“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси доценти, т.ф.н.	
8	А.В.Ветлугина	“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси доценти, арх.н.	
9	С.С.Элмуродов	“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси катта ўқитувчиси	
10	З.З.Рахматиллаева	“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси ассистенти	

Тошкент архитектура  
курулиш институти ректори



Р.Р. Ҳақимов

Ўқув ишлари бўйича проректор

А.У. Мирисаев

## Ўзшахарсозлик ЛИТИ ДУК

Вазирлик (идора) номи

Бакалаврият таълим йўналиши учун янгиланган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши йўналиши бакалаврият таълим йўналиши\* талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши*		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
